

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 17 -сонли

Гурлан тумани

2022 йил “ 14 ” июн

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Гурлан туман Тиббиет бирлашмаси» номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиғи А.Каримов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Тош масжид» МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрувчи Х.Ўразов иккинчи томондан Гурлан тумани Тиббиет бирлашмасига карашли “Маъмурий биносини жорий тамирлаш бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади;

-ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш-учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект таъмирлашига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда таъмирлаш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

-таъмирлаш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг таъмирлаш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

-вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан таъмирлаш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

-беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

-шартнома нархини булиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича Гурлан тумани Тиббиет бирлашмасига карашли “Маъмурий биносини жорий тамирлаш кўзда тутилган лойиҳа бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини ҳамда объектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг 09.06.2022 йилдаги № 98825-қарори (Танлов комиссияси қарори санаси Баённома рақами-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **ҚҚС билан бирга 569 159 840**

(Беш юз олтмиш туккиз миллион бир юз эллик туккиз минг саккиз юз кирк) сўмни ташкил этади. (Шу жумладан ҚҚС-74 238 240 сўмни ташкил қилади)

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- 2-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- таъмирлаш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироклари урнатиш;

- таъмирлаш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- таъмирлаш майдони қўриқланишини таъминлаш;

- таъмирлашда таваккалчилик суғуртаси учун белгиланган суммага суғурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик суғуртаси тўғрисида шартнома тузади ва суғурта шартномаси билан суғурта полисини буюртмачига тақдим қилади.

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк тамонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик ҳажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб икки муддатда мазкур шартномага 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган таъмирлаш майдонини объект таъмирлаши ва таъмирлаш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

12. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаб Ғазначилик бўлинмаларида руйхатга олинган кундан бошлаб қонуний кучга қиради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради.

15. Объектни **2022 йил 10 июлгача** фойдаланишга топширилиши белгиланади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс утказади, бу **170 747 952 (Бир юз етмиш миллион етти юз қирк етти минг тўққиз юз эллик икки)** сўмни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар уч банка кунда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.

19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект таъмирлаши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект таъмирлашига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект таъмирлашида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект таъмирлашининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнанинг охири кунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун таъмирлаш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома ҳисоб-варак-

фактурани» узи тузиб такдим килади. Буюртмачи бажарилган таъмирлаш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган таъмирлаш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «**Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура**» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи таъмирлаш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг таъмирлаш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

30. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни Аниқланган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чоратadbирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Х. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха ҳужжатларига ҳамда таъмирлаш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- ўзи томонидан таъмирлаш учун қўлланиладиган таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

ХІ. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга купайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари таъмирлаш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қуйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришшома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ХП ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

41. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

42. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

43. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар киратилади.

44. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш

усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

45. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар - олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган - шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

46. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилгандиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

47. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

48. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

49. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунда сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига утказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тулайди;

50. Пудратчи объектни ўз вақтида таъмирлаб ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

51. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

52. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

53. Томонлардан бири ўз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки макомини нотугри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи тамонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тулайди.

54. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун шартномани бузган тамон иккинчи тамонга бошқа тамон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида; шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

55. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки қўшимча ва ўзгартириш киритишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар ўз аро келишув йўли билан ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

56. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

57. Пудратчи таъмирлаш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи тамонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

58. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

59. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

60. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин таъмирлаш ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир

61. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

61. Мазкур шартнома Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кириши ва **2022 йил 31 декабргача** амал қилади.

62. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

БУЮРТМАЧИ:

ПУДРАТЧИ:

Гурлан туман Тиббиёт бирлашмаси	« Тош-масжид » МЧЖ
Манзили: Гурлан тумани Зироатчилар кўчаси 3-уй	Манзили: Гурлан туман Эшимжирон қишлоғи
Тел/факс: (0362)36-51-371, (0362)36-52-350	Тел/факс: +998975101410
шх/р: 401722860332087073101054001	х/р: 20208000100513422001
Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ	Банк: АТБ Қишлоқ қурилишбанк бош амаоиег бошкармаси
МФО: 00014	МФО: 01037
ИНН: 201137788	ИНН: 200210595 ИФУТ: 43310
ОКЭД: 86100	
Молия вазирлиги ягона ғазна ҳисоб варағи	
х/р: 23402000300100001010	
ИНН: 201122919	



М.Ў. А.Каримов
(Имзо)




М.Ў. Х.Ўразов
(Имзо)

Гурлан тумани Тиббиет бирлашмасига карашли "Маъмурият биносини жорий таъмирлаш бўйича ойлар давомида
молиялаштириш графиги

Т/р	Объект номи ва манзили	Хажм бирлигининг киймати	2022 йил учун молиялаштириш киймати (сум)															
			1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак						
			январ	феврал	март	апрел	май	июнь	июль	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр				
1	Гурлан тумани Тиббиет бирлашмасига карашли "Маъмурият биносини жорий таъмирлаш.	3 569159840	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15				



М.У
Бўртмачи: Гурлан туман Тиббиет бирлашмаси бошлиғи
Рахбар А.Каримов



М.У
Пудрагчи: «Тош масжид»
Рахбар: М.У. Х.Ўразов

Гурлан тумани Тиббиет бирлашмасига қарашли "Маъмурий биносини жорий таъмирлаш бўйича ойлар давомида ишларни бажариш графиги

Тўр	Объект номи ва манзили	Хажм бирлигини	2022 йил учун ишларни бажариш киймати (сум)											
			1-чорақ			2-чорақ			3-чорақ			4-чорақ		
			январ	феврал	март	апрел	май	июнь	июль	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
1	Гурлан тумани Тиббиет бирлашмасига қарашли "Маъмурий биносини жорий таъмирлаш.	3	4	5	6	7	8	9	11	12	13	14	15	16
		569159840						569159840						

М.У

Буюртмачи: Гурлан тумани Тиббиет бирлашмаси бошлиги

Рахбар

А.Каримов

М.У

Пудратчи: «Тош масжид»

Рахбар

Х.Ўразов



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 98825 на приобретение Гурлан туман
Тиббиет бирлашмаси Мамурий биносини жорий тамирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 09.06.2022

Время рассмотрения 09.06.2022 19:27

Конкурсная комиссия Гурлан туман марказий шифохонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	KARIMOV AXMEDJON MUXIDDINOVICH	Бош врач	Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси
Секретарь комиссии	KUTLIMURATOVA MUYASSAR RAXIMBAYEVNA	Кадрлар булими бошлиги	Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	ATOJANOV MIRZABEK ZOKIRJONOVICH	Харидлар буйича мутахассис	Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	XUDAYBERGENOV BATIR URAZBAYEVICH	Хужадик ишлар мудири	Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	AKISHEV RASUL RAXIMBAYEVICH	Бош хисобчи	Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	KIM TIMUR INNOKENTIYEVICH	Бош врач уринбосари	Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 09.06.2022 года № лота 98825.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Мамурият биноси жорий тамирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	573 892 861.00
Стартовая сумма	573 892 861.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Мухандис техник ходимлар тугрисида маълумотнома. 10 нафардан кам булмаслиги керак, иш стажи камида 5 йил.

Тип: Текстовое значение

Описание: Мухандис техник ходимлар тугрисида маълумотнома. 10 нафардан кам булмаслиги керак, иш стажи

камида 5 йил.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"TOSH MASJID" MCHJ	20	Маълумотнома тақдим килинди	18	Экспертная		
XIVA QURILISH KOMPLEKS MCHJ	20	Маълумотнома илова килинди	15	Экспертная		

Критерий №2 Танлов предметининг камида 50% миқдорида айланма маблагига эгалиги. Банкдан маълумотнома, шу санага.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов предметининг камида 50% миқдорида айланма маблагига эгалиги. Банкдан маълумотнома, шу санага.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип - оценки	Примечание	Причина
"TOSH MASJID" MCHJ	20	Маълумотнома тақдим килинди	18	Экспертная		
XIVA QURILISH KOMPLEKS MCHJ	20	Маълумотнома илова килинди	14	Экспертная		

Критерий №3 Танловда иштирокчининг тажрибаси курилиш соҳасида 6 йилдан кам булмаслиги ва бажарилган ишлари руйхати (6 йиллик) маълумотнома шаклида.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирокчининг тажрибаси курилиш соҳасида 6 йилдан кам булмаслиги ва бажарилган ишлари руйхати (6 йиллик) маълумотнома шаклида.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"TOSH MASJID" MCHJ	20	Маълумотнома тақдим килинди	20	Экспертная		
XIVA QURILISH KOMPLEKS MCHJ	20	Маълумотнома илова килинди	13	Экспертная		

Критерий №4 Танловда иштирок килувчиларнинг машина техникалари ва механизмлари сони 20 тадан кам булмаслиги керак.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок килувчиларнинг машина техникалари ва механизмлари сони 20 тадан кам булмаслиги керак.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"TOSH MASJID"	20	Маълумотнома	19	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ		такдим килинди				
XIVA QURILISH KOMPLEKS MCHJ	20	Маълумотнома илова килинди	15	Экспертная		

Критерий №5 Асосий фаолият тури курилиш булиши керак.

Тип: Текстовое значение

Описание: Асосий фаолият тури курилиш булиши керак. Устав гувоҳнома, солиқдан ва банкдан бугунги санага қарзи йўқлиги тугрисидаги маълумотнома, қайси солиқ туловчиси тугрисидаги гувоҳнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"TOSH MASJID" MCHJ	20	Маълумотнома такдим килинди	19	Экспертная		
XIVA QURILISH KOMPLEKS MCHJ	20	Маълумотнома илова килинди	16	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"TOSH MASJID" MCHJ	573 892 861.00	569 159 840.00	09.06.2022 09:09:11	15.00
XIVA QURILISH KOMPLEKS MCHJ	573 892 861.00	572 122 325.00	09.06.2022 09:16:12	14.92

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"TOSH MASJID" MCHJ	79.9	15	94.9
XIVA QURILISH KOMPLEKS MCHJ	62.05	14.92233	76.97233

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 98825 от 09.06.2022 года на приобретение Гурлан туман Тиббиет бирлашмаси Мамурий биносини жорий тамирлаш определила победителем:

"TOSH MASJID" MCHJ
200210595

и резервный исполнитель: XIVA QURILISH KOMPLEKS MCHJ (302423358)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	KARIMOV AXMEDJON MUXIDDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	ATOJANOV MIRZABEK ZOKIRJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	XUDAYBERGENOV BATIR URAZBAYEVICH	Согласен	

Член комиссии	AKISHEV RASUL RAXIMBAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	KIM TIMUR INNOKENTIYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**


Loyihaning turi: Shartnoma.

Loyihaning nomi: Gurlan tuman tibbiyot birlashmasi va "Tosh masjid" MChJ o'rtasida tuziladigan 14.06.2022-yil №17-sonli Gurlan tumani tibbiyot birlashmasiga qarashli "Ma'muriy binosi"ni joriy tamirlash pudrat shartnomasi loyihasi

Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:
Gurlan tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yil 14-iyun kuni ishlab chiqilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti



E.Raxmatillayev
14.06.2022y